



2020 у « 5 » ноябрь

№ К-610

« » 20 г

**Узун тумани Ж.Пирназаров СИУ худудидан
“ASQARBEK AZIZBEK ASLIDDINBEK”
оилавий корхонасига “Иссиқхона” куриш
учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 05-02/452-сон йиғилиш баёни ва Узун туман ҳокимининг 2020 йил 16 майдаги 01-05/172-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 05-02/452-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Узун тумани Ж.Пирназаров СИУ худудидан “ASQARBEK AZIZBEK ASLIDDINBEK” оилавий корхонасига туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 28қ-дала контуридаги 1,0 гектар бўз ер майдонига “Иссиқхона” куриш учун вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “ASQARBEK AZIZBEK ASLIDDINBEK” оилавий корхонаси раҳбари А.Тошмирзаевга:

ажратилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона куриш учун фойдаланиши;
етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилаётган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (Ж.Усмонов) ва Узун тумани ҳокимлиги (Б.Турсунов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов